

ИСЛОМДА ҚОЗИЛИК МАНСАБИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Хақназаров Шавкат Хақназарович

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18311237>

Қуръони Каримнинг Нисо сураси 58-оятида: **“Агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қилур”**.¹ Аллох таоло ўз китобида одамлар бир-бирлари ортасидаги юзага келадиган низоларни адолат билан ҳал қилишга (ҳукм чиқаришга) буюради.

Аввало қозилик мансаби ёки лавозими деганда нима тушунилиши кераклиги тўғрисида бироз тўхталиб ўтамиз.

“Қозилик” сўзи араб тилидаги “қазо” сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси ҳукм чиқармоқ деган мазмунда фойдаланилиб келинган.² Демак, “қози” сўзи ҳукм чиқарувчи деган маънони билдиради. Қози сўзига кўплаб олимлар турли таърифларни берганлар. Масалан, “Қози” арабча сўз бўлиб, *“ижро этувчи”, “ҳукм чиқарувчи”* маъноларини англатади.³ Ҳозирги давр тадқиқотларда “қозилик” деганда маҳкама, яъни “суд” муассасаси тушунилади.⁴

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг фикрича, “қозилик” дейилганда маҳкама, яъни, бугунги истилоҳимизга ажнабий тилдан кириб қолган “суд” калимаси тушунилади.⁵ Бинобарин, У.Тажихонов “Қози (араб.) – ҳал қилувчи, ҳукм чиқарувчи”⁶ деб ифода этса, М.Хамидова “Қозига суд ишларини амалга оширувчи, шарҳловчи шахс” деган таъриф беради.⁷ Аммо, ҳозирги давр ҳуқуқшунос олимлар жумладан, К.Ҳайреттин⁸, Ш.Эшонова⁹ қози сўзи туркий тилида “ёрғувчи” деб аталиб, “тақсимловчи” деган маънони англатишини ифода этганлар. Бошқа қомусий луғатларда “қози” (туркий ва форс, араб – “кади”) – мусулмон давлатларида, яқка тартибда шариат асосида судлов ишини амалга оширувчи судья¹⁰ деган фикр илгари сурилган. Қомусий манбаларда эса, “Қози - мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифаларини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси”¹¹ деб қайд этилган. Бошқа бир манбаларда эса, “Қози” сўзи араб тилидаги “қазо” феълидан олинган бўлиб, ўзбекчага таржима қилинганда “кесиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш”¹² деган

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Тошкент. 2001. – Б. 87.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-жуз. – Т.: “Hilol Nashr”, 2021. – Б. 469.

³ <https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/publications/tarih-ozilik-lavozimiga-tajinlov-ularning-maomi-va-vakolatlari-andaj-blgan#>

⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент. 2011, Б-140.

⁵ <http://fiqh.uz/index.php/fiqh-uz/fiqh-ilm/337-adabul-oz-i-va-ozilik-kitoblari>.

⁶ Тажихонов. У.Т. Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ. 2001.- 609 б. 8.

⁷ Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2004. - Б. 38-39.

⁸ İhsan Yılmaz. Secular Law in an Islamic Polity: The Ottoman Case. ejeps-6 (2), 2013. European Journal of Economic and Political Studies. -P. 57-79.

⁹ Эшонова Ш. Правовые основы организации и деятельности судов казиев в Средней Азии (вторая половина XIX века – 20-е годы XX). Монография.

¹⁰ Саидов А.Х. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат – Т.: Anaprint. 2006. - Б.715-716.

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005. - 41 б.

¹² Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислом университети, 2014. – Б. 159-160.

маъноларни англатиши эътироф этилган. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра эса ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни “қазо”, яъни қозилик қилишдир¹³. Шунга ўхшаш маъноларда, “Мухтасар ал-Викоя”, “Жоми ар-Румуз” каби ислом ҳуқуқий манбаларида келтирилган бўлиб, унда “қози ҳукм чиқарувчи, шикоят ва келишмовчиликларни шариатга асосланган ҳолда судловчи ҳамда у ёки бу тарафга жавобгарликни белгиловчи”, деб таъриф берилган.

Ж. Абдурахмонхўжаевнинг айтишича, “Қози” тушунчаси дастлаб Муҳаммад (с.а.в) даврида муомалага киритилган ва кенг қўлланила бошланган категория бўлиб ҳисобланади. Атамашунослик нуқтаи назаридан “қози” ва “судья” сўзлари ўзаро чамбарчас боғлиқ синоним тушунчалар сирасига киради. Шу боис кўплаб ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар қози тушунчасини турлича талқин этганлар.¹⁴

Юқоридаги муаллифлар таърифлардан келиб чиқадиган бўлсак, қози тушунчаси асосан унинг вазифаси ва ваколатларидан келиб чиқиб ўз фикрларни билдириб ўтганлар ва таҳлил қилишга уринганлар.

Мусулмон давлатларда шахснинг эътиқоди ва мазҳабига қараб масалаларни ечишда қозилар муҳим рол ўйнаган. Айнан қозилик мансаблари орқали ижтимоий муносабатларда адолат, ҳақиқат ва тенглик ўрнатилган. Аждорларимиз маънавий меросидан маълум бўладиги, қози нафақат фуқаролар ўртасидаги низоларни кўрган, балки мансабдор шахсларнинг зулми ва тажовузи билан боғлиқ масалаларни кўриб ҳал қилганлиги бизгача етиб келган.

Айтиш лозимки, бугунги кунда қозилик судлари нафақат мусулмон давлатларда ташкил қилинган балки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам фаолият олиб бормоқдалар. Хусусан, Сингапурда айрим фуқаролик ва иқтисодий ишларни қозилик судларда кўрилади (Administration of Muslim Law Act, 2009). Мисол учун, қозилк судларда қўйидаги масалар кўрилади: банкротлик, никоҳ, муомила лаёқатини аниқлаш, болага васий тайинлаш, мол-мулкни тақсимлаш, болага васийлик белгилаш кабилар.¹⁵

Қозига берилган таърифлардан келиб чиқиб қўйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиш мумкин: а) ҳукм чиқарувчи, ҳал қилувчи (Кифоя: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, У.Тажихонов); б) маҳкама, муассасаса (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф); в) суд ишларини амалга оширувчи, шарҳловчи шахс (М.Хамидова); тақсимловчи (К.Ҳайреттин, Ш.Эшонова); г) шариат асосида вазифа олиб боровчи ва ҳукм чиқарувчи; д) низоларни ҳал қилувчи (Karman Hayrettin); е) қози тушунчаси судья тушунчасига синонимдир (Ж. Абдурахмонхўжаев).

Шундай қилиб, қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор ёки қозикалон (қозилар раиси) томонидан тайинланиб, шариат қонунлари асосида одил судловни амалга оширадиган шахс (судья).

Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, қозилар пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.), ундан кейинги даврларда халифалар томонидан тайинланган. Халифалар даврида қозиларни тайинлаш масалалари турлича бўлган, бунинг асосий сабаби

¹³ Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. great Ottoman -Turkish civilisation.vol.3. - Ankara: Filosofiy, science and institution Editor-in-chief Kemal Gıgek. Yeni Tflrkiye, 2000. - Б. 666-675.

¹⁴ Ж. Абдурахмонхўжаев. Қозилик судлари: тарихдан сабоқлар. “ODILLIK MEZONI” / № 4 / 2020. – Б. 37.

¹⁵ Ромазанов А.А. Организационно-правовой аспект судебной системы Республики Сингапур. <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionno-pravovoy-aspekt-sudebnoy-sistemy-respubliki-singapur>

халифанинг давлат юритишнинг ўзига хос сиёсати, динга бўлган дунёқараши турлича бўлганлигини кўрсатади. Айнан, халифалар даврида мазҳаблар шакллана (оқимларга, йўналишларга, таълимотларга) ва ажралиб (хаворижлар, шиъалар) чиқишлар бошланган. Шунинг учун турлича сиёсат ва динга бўлган муносабат шаклланган. Айтиш лозимки, дастлаб қозиларни танлаш, тайинлаш масалалари жуда содда кўриниш касб этган бўлса-да, кейинчалик даврлар талаби асосида такомиллашиб борган. Дастлаб қозилик вазифасини волийлар¹⁶ амалга оширган. Кейинчалик, халифа Умар ибн Хаттоб ҳукмронлигидан бошлаб, ислом қонунчилиги асосида ажрим чиқариш волий вазифаси бўлмаган, балки у масъулиятли ва маърифатли бошқа бир кишига алоҳида лавозим сифатида юклатилган. Тарихдан маълумки, илк бор Мадина шаҳрида қози этиб Абу Дардо тайинланган эди.¹⁷

А. Нишанов таъкидлашича, тарихдан маълумки, мусулмон фикҳи асосида иш кўрадиган қозилик маҳкамалари дастлаб Арабистонда вужудга келиб, айниқса, Абу Юсуф даврида махсус муассаса сифатида шаклланган. Хорун ар-Рашид (786 – 808) даврига келиб, халифаликда “Қози-ал-қуззот” лавозими таъсис этилади. Дастлаб “Қози-ал-қуззот” халифага қозиликка тайинлаш учун фақатгина номзод кўрсатиш ваколатига эга бўлган. Қозиларни тайинлаш ҳуқуқи эса халифада қолган. Бироқ кейинчалик халифа қозиларни тайинлаш ваколатини бутунлай Қози-ал-қуззотга топширади. Шундан сўнг қозилик маҳкамалари тизими тўла мустақилликка эришди.¹⁸

Таъкидлаш жоизки, *Мовароуннаҳр ҳудудидида ислом фикҳни ривожланишига ҳанафийлик мактабининг кенг тарқалишига асосий сабаблардан бири бўлган. Мовароуннаҳр ҳудудидида келган толиби илмлар* Абу Ҳанифа ҳуқуқий мактабида таълим олгач, ўз юртларига қайтиб, қозилик фаолияти билан шуғулланганлар. Демак, *Мовароуннаҳр ҳудудидида* қози фаолияти ривожланиши оқибатида суд ҳокимиятининг ташкил топишига таъсир қилган.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Тошкент. 2001. – Б. 87.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-жуз. – Т.: “Nilol Nashr”, 2021. – Б. 469.
3. <https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/publications/tarih-ozilik-lavozimiga-tajinlov-ularning-maomi-va-vakolatlari-andaj-blgan#>
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент. 2011, Б-140.
5. <http://fiqh.uz/index.php/fiqh-uz/fiqh-ilm/337-adabul-ozil-va-ozilik-kitoblari>.
6. Тажиhoнов.У.Т. Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ. 2001.- 609 б. 8.
7. Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2004. - Б. 38-39.

¹⁶ Волий – шаҳар волийси деб ҳам юритилади. Бу мансаб эгаси шаҳар аҳлини назорат қилиб, уларнинг ишларини бошқарган ҳамда уларга буюриб қайтариб турувчи шахс ҳисобланган. / Вазоратул Авқоф Ва Шуъунул Исломия, ал-Мавсуа ал-Фикҳийя. 45-жилд . – 2004. Б-135.

¹⁷ Шарафуддин Мусо ибн Юсуф ал-Ансорий, Нузхатул Хотир ва Баҳжатул Нозир. – Дамашқ., 1991, Б-45.

¹⁸ <https://andijonnoma.uz/news/tarihan-shakllangan-diniy-dunyoviy-islohotlarda-charhlangan-tizim>

8. İhsan Yılmaz. Secular Law in an Islamic Polity: The Ottoman Case. *ejepe*-6 (2), 2013. *European Journal of Economic and Political Studies*. -P. 57-79.
9. Эшонова Ш. Правовые основы организации и деятельности судов казиев в Сердней Азии (вторая половина XIX века – 20-е годы XX). Монография.
10. Саидов А.Х. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат – Т.: Anaprint. 2006. - Б.715-716.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005. - 41 б.
12. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислом университети, 2014. – Б. 159-160.
13. Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. *great Ottoman -Turkish civilisation.vol.3*. - Ankara: *Philosophy, science and institution* Editor-in-chief Kemal Gıgek. *Yeni Tflrkiye*, 2000. - Б. 666-675.
14. Ж. Абдурахмонхўжаев. Қозилик судлари: тарихдан сабоқлар. “ODILLIK MEZONI” / № 4 / 2020. – Б. 37.
15. Ромазанов А.А. Организационно-правовой аспект судебной системы Республики Сингапур. <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionno-pravovoy-aspekt-sudebnoy-sistemy-respubliki-singapur>
16. Волий – шаҳар волийси деб ҳам юритилади. Бу мансаб эгаси шаҳар аҳлини назорат қилиб, уларнинг ишларини бошқарган ҳамда уларга буюриб қайтариб турувчи шахс ҳисобланган. / Вазоратул Авқоф Ва Шуъунул Исломия, ал-Мавсуа ал-Фикҳийя. 45-жилд . – 2004. Б-135.
17. Шарафуддин Мусо ибн Юсуф ал-Ансорий, Нузхатул Хотир ва Баҳжатул Нозир. – Дамашқ, 1991, Б-45.
18. <https://andijonnoma.uz/news/tarihan-shakllangan-diniy-dunyoviy-islokhotlarda-charhlangan-tizim>